

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қулләзма ҳуқуқида*  
УДК: 631:339.13

**ТАШМАТОВ РУСТАМ ХУСАНОВИЧ**


ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ КООПЕРАЦИЯСИ ВА БОЗОР  
ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ

08.00.13 - “Менежмент ва маркетинг”

Иктисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2010



631  
Т 29

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси  
Тадқикотлар маркази ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетида  
бажарилган

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Беркинов Бозорбой Беркинович**

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Умурзоқов Ўқтам Пардаевич**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Акрамов Босит Ахрорович**

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва  
сув хўжалиги вазирлиги

Диссертация 2010 йил “26” соат 9:00 да Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий  
даражасини олиш учун диссертациялар химояси буйича Д067.06.01 ракамли  
Ихтинослашган кенгаш мажлисида химоя қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кӯчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “20” 20:00 да тарқатилди

Ихтинослашган кенгаш  
илмий котиби в.б.  
и.ф.д., профессор

Б.Т.Салимов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон кишлок хўжалигига боскичмабоскич олиб борилган ислоҳотлар туфайли кўп укладли агарар иқтисодиёт шаклланди. Натижада хусусий мулкчиликка асосланган турли тоифадаги хўжалик субъектлари ташкил топиб, фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, фермер хўжаликларининг аграф иқтисодиётдаги мавкеи жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Яиги ташкил этилган фермер хўжаликларини давлат томонидан кўллаб-куватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Бу оҳирги йилларда қабул қилинган қатор Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг жаҳон молиявий-иктисодий инкирозига багишланган асарида “... қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган, узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан кайта кўриб чиқиши, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама кўллаб-куватлаш<sup>1</sup>” алоҳида эътибор берин лозим бўлган устувор вазифа эканлигини кўрсатиб ўтган. Шу билан бир вақтда, мамлакатимиз раҳбари иқтисодиётда таркибий ўзгартириш жараёнларини чукурлаштириш сиёсатини давом эттиришда эътибор каратилиши лозим бўлган вазифалар каторига “корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур<sup>2</sup>лигини таъкидлаган. Мамлакатимиз раҳбари томонидан кўйилган ушбу устувор вазифаларни ўз вақтида самарали ҳал этиш фермер хўжаликларини кўллаб-куватлаш сиёсатини изчил амалга ошириш, уларнинг хукуқий мақомини мустаҳкамлаш, иқтисодий эркинлиги ва фаоллигини ошириш, ривожланишини сифат боскичига кўтариш имконини беради. Шу билан бирга, фермерларнинг иқтисодий барқарор ривожланиши ҳамда уларнинг асосий товар ишлаб чиқарувчи хўжалик субъекти сифатидаги мавкеини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларини ва ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш мақсадида худудларда кооперацияга асосланган ихтисослашган фермер хўжаликлари уюшма (бирлашма)ларини ташкил этиш, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, истикболда бозор инфратузилмаларининг ривожланиш йўналишларини аниклаш, фермер хўжаликларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва шу каби бошқа муаммоларни счимига боғлиқ бўлиб колмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 41 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигиги янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 59-60 б.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг мавжудлиги танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради ва бу йўналишда тадқиқот ишларини олиб боришга асос бўлади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Агар соҳада фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш ва ривожлантириш муаммолари катор хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан тадқиқ этилган. Дастреб фермер хўжалигини ташкил этиш ғоялари, тамойиллари ва шакллари россиялик олим А.Чаянов<sup>3</sup> томонидан тадқиқ этилган. Англиялик олим М. Бақкет<sup>4</sup> томонидан фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган. Режали иктисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш даврида қишлоқда фермерлик харакатини ривожлантириш муаммолари россиялик олимлар И.Алтухов, Л.Девяткина, М. Козлов, Н. Тарасова, Р. Казакбаев<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва янги агарар муносабатларни шакллантириш, фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари ва амалий муаммолари Р.Хусанов, Ў.Умурзоков, Б.Акрамов, А.Абдуллаев, Н.Хушматов, Т.Фармонов<sup>6</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ёритилган. Шунингдек, фермер хўжаликларини қўллаб-куватлаш, уларга ахборот, маслаҳат ва маркетинг хизматлари кўрсатиш ҳамда бозор инфратузилмаларини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизmlари Б.Беркинов, Ч.Муродов, О.Хатамов, Т.Марданакулов, З.Муқимов<sup>7</sup> ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Ушбу ва бошка муаллифлар томонидан чоп этилган илмий тадқиқотлар натижалари фермер хўжаликларининг ривожланишини қўллаб-куватлаш,

<sup>3</sup> Чаянов А.В. Основные идеи и формы организации сельскохозяйственной кооперации.–М.:Наука,1991.– 455 с.

<sup>4</sup> Баккет М. Фермерское производство: организация, управление, анализ. – М.: Агропромиздат, 2002. – 470 с.

<sup>5</sup> Алтухов И.А., Девяткина Л.Н. Становление фермерства в России // Аграрная наука. – Москва, 2000. - №8. - с.2-3.; Козлов М.П. Пути дальнейшего развития фермерства в России // Вопросы статистики. – Москва, 2001. - №б; Тарасова Н. Фермерское хозяйство и международная кооперация // Экономика сельского хозяйства России. – Москва, 2000. - № 8. - с.5; Казакбаев Р. Факторы, обуславливающие место фермерства в обществе и пути кооперации фермерских хозяйств // Международный сельскохозяйственный журнал.– Москва, 1999. - №9. - с.8-11.

<sup>6</sup> Хусанов Р.Х. Агросаноат комплекси иктисодиёти. – Т.: Кувасой, 2003. – 771 б.; Умурзоков Ў.П. ва бошк. Фермер хўжалиғи иктисодиёти. – Т.: Молия-иктисод, 2008. – 273 б.; Акрамов Б.А. ва бошқалар. Қишлоқда фермер хўжаликларини юзага келиши ва ривожланишининг асосий тамоилларини белгилаш: Услубий қўллана. – Т.: 2007. - 23 б.; Абдуллаев А., Айбешов Х. Фермер хўжалиги иктисоди. – Т.: Aloqachi, 2008. – 172 б.; Хушматов Н.С. Дехқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самараордигига ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш: И.Ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация авторефериати. – Т.: 1994. – 22 б.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: И.Ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация авторефериати. – Т.: 2006. – 50 б.

<sup>7</sup> Беркинов Б.Б. Қишлоқ консалтинг хизматлар бозорининг ҳозирги ахволи ва уни ривожлантириш масалалари: Тўплам. – Т.: Мехнат, 2002. - 157-161 б.; Муродов Ч. Ўзбекистон иктисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (агар сектор мисолида).: И.Ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация авторефериати. – Т.: 2001. – 47 б.; Хатамов О.К. Қишлоқ хўжалик техникини лизингига инвестициялар жалб этиши жараёнларини моделлаштириш. – Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediasi, 2007. - 142 б.; Марданакулов Т.И. Минтакада бозор инфратузилмасининг ривожланиши (Сурхондарё вилояти мисолида).: И.Ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация авторефериати. – Т.: 2002. - 19 б.; Муқимов З.М. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимини такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида).: И.Ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация авторефериати. – Т.: 2009. – 24 б.

бошқаришиң такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини ташкил этишни кенгайтиришнинг назарий ва услубий асоси сифатида катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, кейинги йилларда аграр соҳадаги институционал ўзгаришлар, фермерлик ҳаракатини кўллаб-кувватлашнинг янада фаоллашуви, фермерлар экин майдонларини оптималлаштириш, қишлоқ жойларида инфратузилмани янада ривожлантириш, хизмат кўрсатишни янги сифат даражасига кўтариш масалалари илмий жиҳатдан ҳал этишни тақозо этмоқда. Қолаверса, этиштирилаётган маҳсулотларнинг нобудгарчилигини олдини олиш, ҳажмини ва турларини кўпайтириш учун ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган кооперация тамойилларига асосланган фермер хўжаликлари иштирокидаги агрофирмаларни ташкил этишга катта эҳтиёж туғилмоқда. Айни пайтда, фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш ва қарорлар қабул қилиш масъулияти ошмокда. Шу боис, бугунги фермер ўз касбини мукаммал эгаллаган, бошқариш қоидаларини, маданиятини ва усусларини яхши ўзлаштириб олган тадбиркор бўлмоғи, ишлаб чиқаришни илмий нуқтаи назардан бошқармоғи лозим. Ушбу вазифаларнинг илмий-услубий ечимларини топиш мазкур ишнинг мақсади ва вазифалари доирасини белгилаб берди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Тадқиқотлар маркази ва Тошкент давлат иктисадиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** - фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқаришиң такомиллаштириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ушбу мақсадни амалга ошириш учун куйидагилар тадқиқот вазифалари этиб белгиланди:

- фермер хўжаликлари фаолиятини бошқаришнинг ўзига <sup>4\*</sup> хос хусусиятлари ва тамойилларини асослаш;

- фермер хўжаликларини бошқаришнинг хуқукий-меъёрий асосларини тадқиқот килиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликларида маҳсулотни тайёрлаш, қайта ишлаш, сотишни амалга оширувчи худудий бирлашмаларнинг ташкилий тузилмаларини ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

- истиқболда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг ривожланиш вариантларини ва уларда банд бўладиган ишчилар сонини прогноз килиш;

- фермерларга хизмат кўрсатадиган инфратузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатишига оид тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот обьекти.** Ўзбекистонда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатаётган инфратузилма муассасалари тадқиқот обьекти ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети.** Фермер хўжаликлари фаолиятини ва

ривожланишини бошқариш жараёnlари ҳамда уларнинг бозор инфратузилма муассасалари билан ўзаро иқтисодий муносабатлари тадқиқот предмети хисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, вазиятли ва функционал ёндашув, эксперт баҳолаш, статистик гурухлаш, монографик кузатиш, моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- фермер хўжаликларини бошқаришга тизимли ёндашиш тамойиллари;
- фермер хўжаликлари кооперациясининг худудий бошқарув тузилмалари ва уларнинг фаолият юритиш механизмлари;
- фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини ривожлантиришнинг прогноз варианatlари ва уларни амалга ошириш алгоритмлари;
- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги:**

- фермер хўжаликлари фаолиятини бошқаришнинг ички ва ташки омиллари ўрганилган ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсири илмий жиҳатдан асослаб берилган;

- фермер хўжаликлари ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб-куватлашнинг хукукий асосларини такомиллаштириш йўллари белгиланган;

- хорижий мамлакатлардаги фермер хўжаликлари фаолияти, уларда ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш ва бошқариш шакллари ўрганилган ва уларни республикамиз шароитида кўллаш бўйича тавсиялар асосланган;

- фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кооперациясининг худудий бошқарув тузилмалари ва уларнинг фаолият юритиш механизмлари ишлаб чиқилган;

- бозор инфратузилмалари хизматига талабнинг ўсиб боришини инобатга олган холда истиқболда ташкил этилиши лозим бўлган инфратузилма обьектларининг сони ва жойлашиши, ишчи кучи бандлигининг прогноз варианatlари асосланган;

- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилма обьектлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий ишнинг тадқиқот натижалари фермер хўжаликлари бошқарувининг илмий-назарий жиҳатларини бойитишга хизмат киласди. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлар ва ишланмалар амалиётда фермер хўжаликлари кооперациясини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг конунчилик базасини такомиллаштириш; фермер хўжаликлари ихтисослашган уюшма (бирлашма)ларини ташкил этиш; фермер хўжаликларини ташкил этиш ва кўллаб-куватлаш институтларининг самарали фаолият кўрсатishi учун моддий-техника, меҳнат ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланиш; истиқболда фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи бозор

инфратузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертациянинг услугий ишланмалари ва амалий таклифлари ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (№ 15/18-562 25.12.2007 й.) ва ЎзР давлат мулки кўмитаси Тадқиқотлар маркази (№25-01/21 5.01.2009 й.) томонидан амалиётта жорий этиш учун қабул қилинган.

Шунингдек, диссертациянинг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси давлат мулки кўмитаси тадқиқотлар маркази ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар марказининг илмий хисоботларига киритилган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий хуроса ва натижалари “Ижтимоий иқтисодий ривожланиш механизмини такомиллаштириш” (Самарқанд ш., 27-29 март 2001 й.), “Математик моделлаштириш ва хисоблаш эксперименти” (Тошкент ш., Кибернетика институти, 25-27 март 2002 й.), “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва аграр ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида дехкон хўжаликларини ривожлантириш муаммолари” (Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари ИТИ, 23-24 май 2003 й.), “Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини баркарор ривожлантириш муаммолари” (Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари ИТИ, 20-21 октябр 2003 й.), “Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигига ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” (Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари ИТИ, 21-22 май 2004 й.), “Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари” (Тошкент ш., ЎзР Олий Мажлиси Сенати, июль 2005 й.), “Кадрлар тайёрлаш тизимида – аграр таълим, фан ва ишлаб чиқарни интеграцияси” (Тошкент ш., ТошДАУ, 2006 й.), “Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма обьектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” (Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари ИТИ, 14-15 ноябрь 2007 й.), “Ер ва сув ресурслардан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари” (Тошкент ш., ТИМИ, 23-24 ноябрь 2007 й.), “Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Тошкент ш., ТДИУ, 22 ноябрь 2008 й.), “Аграр иқтисодиёт тармокларида кооперация жараёнини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” (Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари ИТИ, 2009 й.), “Қишлоқ тараккиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни” (Тошкент ш., ЎзР БМА; 25 сентябрь 2009 й.), “Управление земельно-имущественными отношениями” (г.Пенза, Пензенский государственный университет архитектуры и строительства, 18-19 ноябрь 2009 г.) мавзулари бўйича бўлиб ўтган ҳалқаро, республика илмий ҳамда илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

Шунингдек, диссертация иши ЎзР давлат мулки кўмитаси Тадқиқотлар марказининг Илмий кенгаш мажлисида (Протокол №5 от 17.12.2008 г.), Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг Иқтисодиёт ва бошқарув

факультети “Кишлок хўжалиги иктисоди ва бошқарув кафедраси”нинг кенгайтирилган йиғилиши (2009 йил 5 мартағи 7-сонли баённома) ҳамда Тошкент давлат иктисодиёт университети ҳузуридаги Д 067.06.01 - рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинарда (2009 йил 17 июнданги 12-сонли баённома) муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг зълон қилинганини.** Тадқиқот натижалари бўйича 13,3 босма табок ҳажмда 23 та илмий ишлар, шу жумладан 6 та журналларда, 14 та илмий анжуман тўпламларида мақолалар ва маъруза тезислари ҳамда 3 та илмий оммабоп ва ўкув қўлланмалари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, умумий ҳажми 160 бет бўлиб, 17 та жадвал, 12 та расм, 167 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 5 та иловани ўз ичига олган.

Диссертациянинг **кириши** кисмida мавзунинг долзарблиги, максади ва вазифалари асосланган, тадқиқот обьекти ва предмети танланган.

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларини бошқаришининг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида фермер хўжаликларини бошқаришга тизимли ёндашишнинг зарурлиги ва унинг назарий жиҳатлари ўрганилган ҳамда бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари илмий асосланган. Шу билан бирга, фермер хўжаликларини ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмлари таҳлил қилинган ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқарши ва хизмат қўрсатши кооперациясининг ташкилий тузилмалари”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон аграр иктисодиётида фермер хўжаликларининг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган, бошқаришни такомиллаштириш имкониятлари аникланган, фермер хўжаликлари кооперациясини ташкил этиш ва бошқариш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда ривож топган кооперация шаклларини Ўзбекистон фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришда қўллаш бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек, кооперация тамойилларига асосланган фермер хўжаликлари уюшмалари бошқарувининг худудий ташкилий тузилмалари ва фаолият юритиши механизмлари ишлаб чиқилган.


Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларига хизмат қўрсатувчи ишлаб чиқарши ва бозор инфратузилмаларининг ривожланиши истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида бозор инфратузилмаларининг кишлок хўжалигидаги ўрни ўрганилган, фермер хўжаликларига хизмат қўрсатишнинг хозирги ҳолати таҳлил қилинган, бозор инфратузилмаларининг самарали фаолият юритишини таъминлаб берувчи қўрсаткичлар аникланган ва улар асосида истиқболда бозор инфратузилмаларини ва янги иш ўринларини ташкил этишининг прогноз вариантлари асосланган. Шунингдек, инфратузилма муассасаларини фермер хўжаликлари билан ўзаро иктисодий муносабатларини такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар берилган.

Диссертациянинг якуний кисмидаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқкан холда хулоса ва таклифлар берилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Оламда барча жараёнлар тизим сифатида мавжуд ва ривож топади. Улар сон жиҳатдан кўп ва турфа хил бўлиб, учта - биологик, табиий, ижтимоий-иктисодий тизимларга бўлинади. Ижтимоий-иктисодий тизимда фермер хўжалигининг тутган ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир. Фермер хўжалиги ишлаб чиқариши тизимининг моддий асосини ижарадаги ер ва хусусий мулкчиликдаги бошқа ишлаб чиқариши воситалари ташкил этади. Бу тизимнинг яна бир ўзига хос хусусияти – тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги ва мустақил фаолият юритишидир.

Фермер хўжалигининг ички тизими техник, технологик ва ишлаб чиқаришни, меҳнатни ташкил этиш, иктиносидий тизимлардан ташкил топган бўлади. Барча тизим унсурлари ўзаро бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг биргаликдаги ҳаракати хўжаликнинг ягона тизим тарзида мавжудлигини кўрсатади. Бозор иктиносидёти шароитида ҳар бир корхона, ташкилот очик тизим кўринишида фаолият кўрсатади. Хусусан, фермер хўжалиги ҳам бундан мустасно эмас. Сабаби фермер хўжалигининг истиқболини ва ривож топишини кооперацияга асосланган уюшма (бирлашма), агроформалар ва турли хизматлар кўрсатувчи бозор инфратузилмаларисиз тасаввур этиш кийин. Уларни фермер хўжалиги фаолиятига таъсир этувчи ташки тизим деб караш мумкин (1-расм).



1-расм. Фермер хўжалиги ишлаб чиқариши фаолиятини бошқаришнинг ички ва ташки тизимлари\*

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Аммо фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи бошқа тизимлар ҳам мавжуд. Хусусан, солик, экологик, демографик ва бошқалар. Ушбу тизимларни инкор этмаган холда муаллиф тадқиқот жараённада асосан кооперация ва хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини ўрганишини мақсад килиб кўйган.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришнинг хуқуқий-меъёрий асослари босқичма-босқич яратилиб, жорий этилмоқда. Хусусан, фермер хўжаликларининг иктиносидий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш, ижарага берилган ердан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини молиялашнинг

ишончли тизимини шакллантириш, фермерлар учун кадрларни тайёрлаш тизимини барпо этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкат хўжаликлари) негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни бошқаришни такомиллаштириш, бозор инфратузилмаларини барпо этиш асосида улар ўртасидаги иктиносидий муносабатларни такомиллаштириш, фермер хўжаликлари фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш каби чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Маълумки, фермер хўжаликлари фаолиятига оид хукуқий-меърий хужжатларда фермерларга ихтиёрик асосида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бирлашмаларга аъзо бўлиш хукуки берилган. Лекин амалдаги қонунчилиқда айрим тартиблар ва талаблар тўлиқ ёритилмаган.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов ўзининг жаҳон молиявий-иктиносидий инқирозига бағишлиланган асарида<sup>8</sup> “қонунчилик ва норматив-хукуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, ... тегишли қонун хужжатларига, Ер кодексига ўзгарттириш ва қўшимчалар киритиш”га эътибор каратиш принципиал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Шуни инобатга олиб, муаллиф фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хукукий асосини ташкил этувчи қонунларга қўшимчалар киритиш лозим, деб хисоблайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Кооперация тўғрисида”ги қонунига: “Кооперацияни ташкил этиш” боби ва унинг таркибига фермер хўжаликлари кооперациясини ташкил этиш тартиблари, уни уюшма (бирлашма) ёки агро фирмра шаклида давлат рўйхатидан ўтказиш, қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликларининг кооперация тамойилларига асосланган уюшма (бирлашма)ларини ташкил этиш моддаларини; “Уюшма (бирлашма)нинг устави” боби ва унинг таркибига уюшмага бирлашган тузилма устави талаблари ва унга ўзгарттиришлар ва қўшимчалар киритиш моддаларини, шунингдек алоҳида уюшманинг мулки, фаолиятининг асослари, уни қайта ташкил этиш ва тутатиш ҳақидаги боблар ҳамда аъзоларнинг хукуклари, давлат ва кооперация иштирокчилари муносабатлари, уюшма бошкарув органлари тўғрисида моддалар киритишни таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунига эса фермер хўжаликлари кооперацияси ва унинг тузилмаларини ташкил этиш тартиби, уларнинг вазифалари, мақсади, хукуклари, мажбуриятлари, аъзоларнинг хукуклари ҳамда шу каби бошқа қўшимчалар киритишни тавсия этади.

Диссертацияда мустакиллик йилларида фермер хўжаликларининг ташкил топиши ва ривожланиши 4 боскичга бўлиб ўрганилган: биринчи боскич - 1993-1997 йй.; иккинчи боскич - 1998-2002 йй.; учинчи боскич - 2003-2007 йй.; тўртинчи боскич – 2008 й.дан кейинги йиллар. Ушбу боскичларда эришилган асосий иктиносидий натижалар 1-жадвалда келтирилган.

<sup>8</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктиносидий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 42 б.

## Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг ривожланиш босқичлари\*

Кўрсаткичлар	Босқичлар			
	I	II	III	IV
Фермер хўжаликлари сони, минг бирлик	21,4	72,4	217,1	105,0
Биринчирилган ер майдони, минг га	413,3	1591,7	5787,8	5860,1
Ишчилар сони, минг киши	134,4	461,9	1621,4	1710,2
Битта фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони, га	19,3	22,0	26,7	56
Битта фермер хўжалигига ўртача ишчилар сони, киши	6,3	6,4	7,5	7,8

Изоҳ: дастлабки учта босқич кўрсаткичлари унинг якуни бўйича, тўртингчи босқич эса 1.01.2009 йил хотали бўйича берилган.

\* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дастлабки уч босқичда фермер хўжаликлари сони кескин ўсиб борган. Бу уларга биринчирилган ер майдони кўпайиши ҳисобига эришилган, яъни ўсиш экстенсив йўл билан амалга оширилган. Кейинги тўртингчи босқичда эса фермер хўжаликларининг сони 2007 йилга нисбатан деярли 2,1 марта камайган. Бу фермер хўжаликлари ер майдонларининг оптималлаштириш жараёни натижасида рўй берган, яъни йириклиашув орқали сифат босқичига қадам қўйилган.

Тахлиллар шундан далолат берадики, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ўтган йиллар мобайнида маълум ижтимоий-иктисодий ютукларга эришди. “2008 йилда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, фалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил килди.<sup>9</sup>”. Шунингдек, 2008 йилда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари томонидан республикамиздаги 16,2 фоиз картошка, 32,9 фоиз сабзавот, ва 47,1 фоиз полиз маҳсулотлари етиштирилган. Таъкидлаш жоизки, 2003 йилда фермер хўжаликлари томонидан 37,8 фоиз пахта, 35,7 фоиз галла, 3,8 фоиз картошка, 10,6 фоиз сабзавот ва 30,3 фоиз полиз маҳсулотлари ишлаб чиқарилган эди<sup>10</sup>.

Юқоридаги тахлиллар асосида куйидаги хуносани қилишимиз мумкин: биринчидан, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш салоҳияти ошиши қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадлари кўпайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда; иккинчидан, мулқдан самарали фойдаланиш ва оқилона хўжалик юритиш тажрибаси ошиб бормоқда, экинлар хосилдорлиги ўсиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромади кўпаймоқда; учинчидан, қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликларининг мавкеи ўсиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Булар қишлоқда хусусий мулкдорлар қатламини шаклланишини фаоллаштирунганда.

Шу билан бир қаторда, фермер хўжаликларининг истиқболда ривожланиши кўп жиҳатдан уларни кўллаб-кувватловчи, ишлаб чиқарилган маҳсулотни қайта ишлаш, саклаш ва сотишга кўмаклашувчи кооперация

<sup>9</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т. Ўзбекистон, 2009. – 22 б.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

тамойилларига асосланган тузилмаларни, жумладан уюшма (бирлашма)лар ёки агрофирмаларни ташкил этишга боғлиқидир.

Шуни инобатга олиб, диссертацияда ривожланган хорижий мамлакатларда фермер хўжаликлари кооперацияларини ташкил этиш тажрибалари ўрганилди. Таххиллар кўрсатадики, кўплаб хорижий мамлакатларда фермер хўжаликлари миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий кисми бўлиб, уни ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши хисобланади.

Масалан, Германияда 4,2 мингдан ортиқ мустақил товар ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи ҳукукий макомга эга кооперативлар Фридрих Вильгельм Райффайзен тамойили асосида фаолият кўрсатиб келмоқда<sup>11</sup>. Райффайзен тамойили – ўзаро ёрдам, кўллаб-қувватлаш, ўз-ўзини бошқариш, натижа учун жамоа масъулияти, рақобат қобилиягини саклаб қолиш кабиларни ўз ичига олади. Мамлакатдаги деярли барча фермерлар ушбу тамойилни тан олган ҳолда бир ёки бир неча кооперативларнинг аъзолари хисобланади. Ҳозирги пайтда Райффайзен кооперативлари ҳомийлик қилиш, маҳсулот турларини кўпайтириш, фермер хўжаликларига хизмат қилишни янада яхшилаш, истеъмолчиларни харидоргир сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

Канада давлатининг аграр сиёсати ҳам товар ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишлаш, улгуржи, баъзида чакана савдо соҳасида бирлашишларига каратилган<sup>12</sup>. Ҳозирги пайтда ушбу кооперациялар ҳукукий асосга эга бўлиб, товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг умумий тан олинган хаётӣ меъёрларига айланган.

Хорижий мамлакатларда фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашга ихтисослашган кооперативлар ҳам ривож топган. Европа Иттифоқи мамлакатларида кишлек хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашнинг 50 %, Скандинавия давлатлари (Швеция, Норвегия, Финляндия)да - 60 %, АҚШда - 26 % кооперативлар улушкига тўғри келади. Умуман олганда чет мамлакатларда фермер хўжаликларининг кооперацияларга бирлашиши анъанага айланган ва бу ўз самарасини бермоқда (2-жадвал).

2-жадвал.

#### Хорижий мамлакатлар кишлек хўжалигига кооперациянинг ўрни\*

Кўрсаткичлар	Гарбий Европа	АҚШ	Канада	Австралия	Скандинавия давлатлари	Япония	Хитой
Кооперация асосида бирлашган фермерларнинг саломғи, %	60-80	60-80	60-80	60-80	деярли ҳамма	деярли ҳамма	80
Кишлек хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кооперациянинг саломғи, %	60	86	85	60	85	90	65

\* Муаллиф томонидан турили манбалардан олинган маълумотлар асосида тузилган

<sup>11</sup> Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация.: Учебное пособие. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2005. – С. 285-287.

<sup>12</sup> Ўша ерда: 273 б.

Бу эса кооперациянинг нақадар зарурлигини ва унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти бекиёс эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, таъкидлаш ўринлики, ҳеч бир фермер маҳсулот этишириш, уни сотиш ва саклаш муаммоларини мустакил ҳал этишга қодир эмас. Фермер хўжаликлари маҳсулотларини сотишни ташкил этиш таҳдиллари шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда савдо ва воситачилик хизмати яхши йўлга кўйилмаганилиги, фермер хўжаликларининг барқарор сотиш каналларига эга эмаслиги, ортиқча вакт ва маблағ сарфлаш каби муаммоларни юзага келтирмоқда. Ана шулардан келиб чиқсан ҳолда, хорижий тажрибаларни ҳисобга олиб, муаллиф кооперацияга асосланган ихтисослашган фермер хўжаликлари уюшмаларининг худудий бошқарув тузилмаларини ташкил этишни тавсия этади.

Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжаликларида тез бузулувчи, маҳсус транспортда ташиш имконияти чекланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда. Шуни ҳисобга олиб, илмий ишда тез бузулувчи дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқиши, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган кооперацияга асосланган фермер хўжаликлари уюшмаси бошқарувининг ташкилий тузилмаси таклиф этилган (2-расм).



2-расм. Худудда дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган фермер хўжаликлари кооперациясига асосланган уюшма бошқарувининг ташкилий тузилмаси\*

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ушбу ташкилий тузилма унинг таркибига кирган барча бошқарув бўғинларининг ташкилий-иктисодий ва технологик жиҳатдан ўзаро алокадорлигини таъминлади, бўлинмалар вазифалари сони ва чегарасини аниклади, чизикли ва функционал бошқарув ўртасидаги мутаносибликни саклади, алоҳида олинган бўлинмалар хукуки, мажбурияти, вазифаларини аник белгилайди ва уюшма фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ягона мақсадга йўналтиради.

Қишлоқ ахолисини иш билан бандлигини, истеъмол бозорини хилма-хил чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қайта ишловчи корхоналарни ташкил этишини жадаллаштириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Президентимиз И.Каримов ўзининг жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozига бағишиланган асарида<sup>13</sup> тўшт ва сутни қайта ишлашга ихтинослашган микрофирма ва кичик корхоналарни қўллаб-кувватлашга катта зътибор бериши алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Шуни ҳисобга олиб, диссертацияда сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича фермер хўжаликлари уюшмасининг худудий ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган. Ушбу илмий ишланма мамлакатимиз минтақаларида худудий уюшмаларни ташкил этишда амалий-услубий кўлланма вазифасини бажариши мумкин.

Диссертацияда шунингдек қишлоқ хўжалиги техникасини олди-сотидиси, қайта тиклаш ва сотишдан кейин ундан фойдаланишга ихтинослашган фермер хўжаликлари уюшмаси бошқарувининг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган (3-расм). Ушбу ташкилий тузилма фермер хўжаликларини (айниқса паст рентабелли ва ўз фаолиятини энди бошлаётган) техник таъминотини оширишнинг муҳим омили ва зарур шарти ҳисобланади. Бундай тузилманинг худудларда ташкил этилиши фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг техникани сотиб олиш учун килинадиган харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради.



3-расм. Қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш ва сотиш, қайта тиклаш ва сотишдан кейин уларга хизмат кўрсатиш бўйича фермер хўжаликлари уюшмаси<sup>\*</sup> бошқарувининг ташкилий тузилмаси\*

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Қишлоқ жойларида юкорида тавсия этилган кооперация тамойилларига асосланган фермер хўжаликлари худудий уюшмаларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда янги имкониятларни очиб беради ва унинг иктисодий ўсишини таъминлашга замин яратади.

<sup>13</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 35 б.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда фермер хўжаликлари Республика фермер хўжаликлари уюшмасининг аъзоси хисобланади. Ушбу уюшма ўз аъзоларининг конуний манфаатларини химоя қилиш, ишлаб чиқариш ва таъминот фаолиятини кўллаб-кувватлаш каби хизматларни амалга оширади. Республикада ушбу ташкилотдан ташқари фермер хўжаликларига маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида турли тоифадаги (ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари соҳасидаги) корхона ва ташкилотлар хизмат кўрсатади. Аммо, уларнинг ичидаги ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмалари фермер хўжаликлари ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, чунки улар бозор муносабатларининг шаклланишини таъминлашда пойдевор хизматини ўтайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатади, 2008 йилда республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари шохобчаларининг сони 10 мингдан ортикни ташкил этган. Бу фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши ва истикболда баркарор ривож топишига кўмак беради. Шу билан бир вактда, мамлакатимиз Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича кўшимча маблаг ва имкониятлар топиш зарур.”<sup>14</sup> Тадқиқот натижалари шуни кўрсатади, инфратузилма объектларини ташкил этиши ва уларнинг иктиносий муносабатлари борасида муаммолар мавжуд. Жумладан, инфратузилмалар сони, улар кўрсатаётган хизматлар хажми ўртасида номутаносибликлар кузатилиди ва шу билан бирга инфратузилма муассасалари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иктиносий муносабатлар такомиллашмаган. Улар нафакат фермер хўжаликлари фаолиятига салбий таъсирик кўрсатиб қолмасдан, балки ташкил этилаётган инфратузилма объектларининг иктиносий (молиявий) жиҳатдан заифлигига сабаб бўлмоқда. Шуни инобатга олиб, диссертацияда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектларига бўлган кўшимча талаб прогноз қилиниб, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилган.

Маълумки, машина-трактор парки (МТП) фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи асосий инфратузилма муассасаси хисобланади. Паркнинг таркиби ер хайдаш, экиш, экинлар катор ораларига ишлов бериш, хосилни йигиштириб олиш каби агротехник тадбирларни бажаришга қодир бўлган техник воситалардан иборат бўлади. Мазкур ташкилот билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иктиносий муносабатлар шартнома тузиш орқали олиб борилади. Фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш бўйича ракобат муҳитини яратиш, ушбу тизим фаолиятини янада жонлантириш, сифатли хизмат кўрсатишга йўл очиб беради. Аммо ташкил этилган МТПлари жойлашиши талаб даражасида эмас. Бу уларнинг фаолияти самарадорлиги пастлиги, яъни шартномада кўрсатилган хизматни вактида ва тўлиқ хажмда (амалда 95,4 %) бажаришини таъминлай олмасликда намоён бўлмоқда. Бунинг асосий

<sup>14</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктиносий инкорози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 44 б.

сабабларидаң бири туман миқёсида МТПлар ўртасида рақобат мұхитини юзага келтирувчи асосий шарт, яғни МТПлар сони ва улардаги техника таркиби агротехнологик ишлар ҳажмига мос келмаслиги ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимиз худудларида фермер хўжаликлари ер майдонларининг йириклаштирилишини, агротехник ишловни талаб этувчи майдонлар ва фермер хўжаликлари сонининг ўзгаришини инобатта олиб, диссертацияда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи муқобил МТПларининг 2012 ва 2015 йилларда талаб этиладиган сони прогноз қилинган.

Бунинг учун илмий ишда прогноз варианtlарини амалга ошириш учун услубий ёндашув ва ҳисоб-китоблар алгоритмлари ишлаб чиқилган. Прогноз варианtlарни фермер хўжаликлари сони ва уларга кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг куйи ва юкори чегараларининг ўзгаришига асосланади.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ММТП сонини куйидаги формула ёрдамида прогноз қилиш мумкин:

$$Nn_{\text{ммтп}} = \kappa_{\text{ммтп}} * \kappa_1 * Na_{\text{ммтп}}, \quad (1)$$

бу ерда  $Nn_{\text{ммтп}}$  – ММТПнинг сони (худудлар бўйича);  $\kappa_{\text{ммтп}}$  – 1та ММТПнинг хизмат кўрсатиши майдонининг ўзгариш коэффициенти (худудлар бўйича) ( $\kappa_{\text{ммтп}} = V_{\text{ммтп}}_{\text{ххкм}} / V_{\text{ммтп}}_{\text{охкм}}$ );  $\kappa_1$  – фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш коэффициенти (худудлар бўйича) ( $\kappa_1 = Nu_{\phi xc} / Na_{\phi xc}$ );  $V_{\text{ммтп}}_{\text{ххкм}}$  – 1та ММТП хизмат кўрсатадиган ўртача майдони, минг га;  $V_{\text{ммтп}}_{\text{охкм}}$  – 1та ММТП хизмат кўрсатишнинг оптималь майдони, минг га;  $Nu_{\phi xc}$  ( $Na_{\phi xc}$ ) – истиқболдаги (амалдаги) фермер хўжаликлари сони, бирл.;  $Na_{\text{ммтп}}$  – мавжуд ММТПлар сони (худудлар бўйича).

Ушбу формулалар ёрдамида республика худудлари бўйича фермер хўжаликларига агротехник хизматларини кўрсатувчи ММТПларининг истиқболдаги умумий сони ва уларнинг худудий жойлашув прогноз варианtlари ҳисобланган (3-жадвал).

**3-жадвал.**  
**Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича муқобил машина-трактор парклари (ММТП) сонининг прогноз варианtlари\***

Худудлар	ММТПлар сони (2008 й.)	2012 йил		2015 йил	
		I-вариант	II-вариант	I-вариант	II-вариант
Қорақолғистон Р.	134	143	144	144	147
Андижон вилояти	183	193	196	194	198
Бухоро вилояти	145	157	158	157	159
Жиззах вилояти	5	6	8	6	8
Қашқадарё вилояти	197	209	210	209	212
Навоий вилояти	52	58	59	58	60
Наманган вилояти	139	148	150	149	152
Самарқанд вилояти	241	255	258	256	260
Сурхондарё вилояти	118	127	131	129	135
Сирдарё вилояти	91	103	104	103	104
Тошкент вилояти	193	213	215	214	218
Фарғона вилояти	171	181	182	181	183
Хоразм вилояти	108	114	115	114	116
<b>Республика бўйича</b>	<b>1777</b>	<b>1907</b>	<b>1930</b>	<b>1914</b>	<b>1952</b>

\* Жадвал муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

Хисобларга кўра, республика бўйича 2012 йилда 130 тадан 153 тагача, 2015 йилга бориб эса 137 тадан 175 тагача кўшимча ММТП ташкил этиш талаб этилади. Бу ММТПлар томонидан фермер хўжаликларига ўз вақтида агротехник хизматларни кўрсатишга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда қабул қилинган кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурида<sup>15</sup> жойларда фермер хўжаликлариға консалтинг, бухгалтерия, ахборот-маслаҳат ва бошқа хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш вазифалари белгиланган. Бундай марказлар фермер хўжаликларини бозор ҳакида ахборотлар билан таъминлаш, бизнес-режани ишлаб чиқишида кўмаклашиш, хўжаликлар иктиносидий фаолиятини аудит килиш ва баҳолаш каби кенг қарорвли хизматлар мажмуини бажаради.

Шуни инобатга олиб, диссертацияда ушбу муассасалар ҳудудий жойлашуви таҳлил қилинган ва истиқболда кўшимча ташкил этилиши лозим бўлган ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчаларига талаб прогноз қилинган. Унинг учун куйидаги формуладан фойдаланилган:

$$Nn_{amk} = \kappa_{amk1} * \kappa_{amk2} * \kappa_1 * \kappa_2 * Na_{amk}, \quad (2)$$

бу ерда,  $Nn_{amk}$  – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчалари сони (худудлар бўйича);  $\kappa_{amk1}$  – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчаси томонидан бир шартнома қийматининг ўзгариш коэффициенти (республика бўйича) ( $\kappa_{amk1} = \Sigma_{шок} / \Sigma_{шхк}$ );  $\kappa_{amk2}$  – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчасининг битта ишчига тўғри келадиган шартномалар сони ўзгариш коэффициенти (республика бўйича) ( $\kappa_{amk2} = V_{атк_{шшос}} / V_{атк_{шшхс}}$ );  $\kappa_2$  – фермер хўжаликлари ер майдонининг ўзгариш коэффициенти (худудлар бўйича) ( $\kappa_2 = W_{u_{фхм}} / W_{a_{фхм}}$ );  $Na_{amk}$  – мавжуд ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчалари сони (худудлар бўйича);  $\Sigma_{шок}$  – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчасининг ўртача бир шартномага тўғри келадиган оптималь қиймати;  $\Sigma_{шхк}$  – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчасининг ўртача бир шартномага тўғри келадиган ҳақиқий қиймати;  $V_{атк_{шшос}}$  – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчасининг битта ишчига тўғри келадиган шартномаларнинг оптималь сони;  $V_{атк_{шшхс}}$  – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчасининг битта ишчига тўғри келадиган шартномаларнинг ўртача сони;  $W_{u_{фхм}}$  ( $W_{a_{фхм}}$ ) – истиқболдаги (амалдаги) фермер хўжаликлари ер майдони, минг га.

Диссертацияда келтирилган хисоб-китоб натижаларига кўра, кишлоқда ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчаларининг истиқболда сони 3,5-3,6 мартаға ошиши лозим. Бунинг асосий сабабларидан бири, тахлилларга кўра, ҳозирги кунда республика бўйича битта ахборот-маслаҳат марказига мурожаат қилган ва кишлоқда тадбиркорга, шу жумладан фермерларга кўрсатилган пул хисобидаги ахборот-маслаҳат хизмати хали паст даражада. 2008 йил маълумотларига кўра, ушбу муассасалар томонидан шартномада кўрсатилган хизматлар ҳажми атиги 68,3 % бажарилган.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида” ПҚ-1046 – сонли карорининг иловаси.

Шунингдек, диссертацияда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи банк шохобчалари (минибанк), идишлар тайёраш ва қадоқлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби бозор инфратузилмаларига бўлган тарабблар (сони) 2012 ва 2015 йиллар учун прогноз варианatlари ишлаб чиқилган. Уларга кўра, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи минибанклар - 1,2-1,3 мартаага, идишлар тайёраш ва қадоқлаш - 1,1-1,2 мартаага, транспорт хизмати кўрсатиш шохобчалари 1,4 мартаага кўпайиши лозим.

Ушбу тоифага кирувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмалари фаолиятининг ташкил этилиши қишлоқ жойларида яшовчи аҳолини иш билан бандлигини оширишга ёрдам беради.

Статистик маълумотларга қараганда, 2008 йилда бандликни бошқариш органларига ишга жойлашиш учун 623,3 минг киши мурожаат қилган. Шулардан 72,1 %, яъни 449,4 минг киши қишлоқ аҳолисидир. Шундан 87,8 % (394,5 минг киши) иш билан таъминланган. Қолган 54,9 минг киши ишсиз сифатида рўйхатта олинган<sup>16</sup>. Диссертацияда амалга оширилган хисобкитобларга кўра, қишлоқда ташкил этиладиган инфратузилма муассасаларида 26,0-26,6 мингта янги ишчи ўринлари ташкил этилиши мумкин (4-жадвал). Бу дегани қишлоқда иш билан бандлар сони 1,2-1,3 мартаага кўпайиши, иш билан бандлик даражаси эса 5,7-5,9 ф.п.га ошиши мумкин.

4 - жадвал.

**Ўзбекистонда қишлоқ жойларида инфратузилма муассасаларини ташкил этиш хисобига яратиладиган янги иш ўринлари сонининг прогноз варианatlари\***

Худудлар	Мавжуд сони (2008 й.)	2012 йил		2015 йил	
		I-вариант	II-вариант	I-вариант	II-вариант
Қорақөлғистон Р.	1357	1695	1714	1712	1745
Андижон вилояти	1818	2266	2300	2284	2339
Бухоро вилояти	1986	2465	2483	2474	2503
Жizzах вилояти	468	656	674	661	680
Қашқадарё вилояти	2181	2685	2709	2699	2733
Навоий вилояти	586	793	810	798	823
Наманган вилояти	1880	2277	2315	2296	2345
Самарқанд вилояти	2311	2724	2751	2737	2774
Сурхондарё вилояти	1310	1666	1713	1693	1772
Сирдарё вилояти	1076	1302	1311	1305	1318
Тошкент вилояти	2337	2782	2813	2796	2848
Фарғона вилояти	2172	2757	2774	2763	2797
Хоразм вилояти	1493	1912	1929	1924	1950
<b>Республика бўйича</b>	<b>20975</b>	<b>25980</b>	<b>26296</b>	<b>26142</b>	<b>26627</b>

\* Жадвал муаллиф хисоб-китоблари асосида тузилган

Шу билан бирга, истиқболда фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатадиган инфратузилма обьектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизмат сифатини ва самараордорлигини ошириш учун куйидагиларга эътиборни қаратиш лозим.

Ёқилғи-мойлаш материаллари (ЁММ), минерал ўғитларни тақсимлашда бозор механизмини кенг жорий этиш, хусусий компаниялар биржа

<sup>16</sup> Статсборник. Экономика Узбекистана: аналитический обзор за 2008 г. – Т.: Госкомстат, 2009 – С. 41.

савдоларидан тегишли ресурсларни сотиб олиш ва уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериш, тижорат ташкилотлари ва лизинг компаниялари янги ташкил этиладиган муқобил МТП устав фондини шакллантириша иштирок этиши тартибига ўтиш лозим. Минибанкларнинг фаолият кўрсатиш доирасини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларини мулк, ер солиғидан озод этиши ва бошқа шу каби имтиёзли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Худудларда фаолият кўрсатадиган ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчаларининг хизмат турларини кўпайтириш, унда ишлаш учун банк-молия, солиқ ва бошқа тизимларда ишлаган ёки ишлаётган амалий тажрибага эга кадрларни доимий ёки ўриндошлик асосида жалб этиш, фермерларнинг ахборот-маслаҳат, консалтинг шохобчалари хизматларидан фойдаланишини рағбатлантириш ва унга кўмаклашиб зарур. Жойларда йирик ва майдада шохли моллар подасининг сонини кўпайтириш учун зотли молларни етишишига ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш ёки фаолият юритаётган чорвачилика ихтисослашган фермерларга биринчи навбатда узок муддатли имтиёзли кредитлар бериш масаласини ҳал этиш, асосий фаолияти зотли моллар етишишига қаратилган фермер хўжаликларига зооветеринария ва моддий-техника таъминоти хизматлари кўрсатишни кенгайтириш лозим.

Фермер хўжаликларига Сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) томонидан кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун шартнома шартларини бажарилишини назорат қилиш ва сув танқислиги юз берган ҳолатларда фермер хўжалиги фаолиятини баҳолашда ушбу ҳолатни хисобга олишни йўлга қўйиш, фермер хўжалигига ижарага берилган ернинг суғориш шароити ҳамда меъёрлари бўйича тегишли маълумотларни тақдим этиши ва сугориш технологиясини назорат қилиш, фермер хўжаликлирида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб бориши ва белгиланган меъёрларга зарурят пайдо бўлганда ўзгартиришлар киритиш, сувдан фойдаланиш қоидлари бузилган ҳолларда уни уюшма йигилишида муҳокама этиши ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, суғориш суви танқис бўлган йилларда ундан навбатма-навбат фойдаланиш жадвалини ишлаб чиқиш ва унга амал қилишни доимий назорат килиб бориши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, СИУлар фермер хўжаликларидан олинган тўловлар ёрдамида лоток, канал, зовурларнинг ишлаб туришини ва бошқа ирригация ва мелиорация ишлари сифатини оширишлари талаб этилади. Ушбу тадбирлар қишлоқда инфратузилмалар фаолиятининг самарасини ошириш билан бирга уларда ишлайдиган ходимларнинг даромадларини кўпайтиради. Натижада қишлоқда пул айланмаси тезлашади ва аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади.

## ХУЛОСА

Тадқиқот жараённида қуидаги илмий хулосалар ҳамда амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган:

1. Бошқариш фермер хўжалиги жамоа аъзолари меҳнатини мақсадга мувофиқ ташкил этишига қаратилгандир. У ишлаб чиқариш жараённинг вакт ва маконда уйғунлашган тарзда ривожланишини ва маълум шароитда мўлжалдаги маҳсулотни ишлаб чиқаруб, кам харажат қилишни назарда тутади. Ишлаб

чиқариш жараённида техника, айланма маблағлар, ер, сув ресурсларидан оқилюна фойдаланиш күпинчә фермер хўжалиги жамоа аъзолари меҳнатини қай даражада ташкил этилишига боғлиқ. Шуни инобатга олганда, меҳнат таксимотига асосланган ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш самарали хисобланади.

2. Фермер хўжаликларини илмий бошқариш изчил қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ҳаётлигини таъминлаш орқали амалга оширилади. Қарорлар моҳияти жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласи ва хўжалик фаолиятининг турли жабхаларидаги муаммоларни ечишга қаратилган бўлади. Қарорлар ахборотлар тизими орқали шаклланади.

Фермерлар меҳнатини илмий ташкил этишда мутаносиблик тамойилига амал қилиш, яъни ишлаб чиқарishни бошқаришда бажариладиган ишларни режалаштириш мухимдир. Бу фермер бажарадиган барча бошқарув вазифалари ўртасидаги алоқадорликни ва мутаносибликни таъминлайди, вазифаларни мўлжалланган муддатда бажариш имконини беради. Мутаносиблик фермер бажарадиган вазифаларнинг оптималь ҳажмини аниқлаш ва меҳнат воситалари билан таъминлаш орқали амалга оширилади.

3. Республикада фермер хўжаликларининг ривожланиши қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга ижобий таъсир этади. Фермерларнинг ўз хўжалик фаолиятини самарали ва мустақил юритишдан манфаатдор бўлиши мулқдан оқилюна фойдаланиб, барқарор ривожланиш йўлини танлаши, экинлар хосилдорлигининг ўсиб боришини таъминлаши, истикболда ўз мавқенин янада мустахкамлаб бориш имконини беради. Шу билан бирга, келажакда, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий хўжалик субъектлари сифатида, барқарор ривожланиш босқичига кириш учун пухта замин яратиб беради.

4. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга оширишнинг хозирги босқичида, кўп укладли иқтисодиёт ривожланаётган даврда фермерлар кооперациясининг кенгайишини таъминлаш энг устувор йўналишларидан бири хисобланади. Шуни хисобга олиб, республикамизда фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, хориждаги қишлоқ хўжалиги кооперациялари фаолияти тажрибасини ўрганиш ва турли хил кооперацияга асосланган уюшма (бирлашма)ларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

5. Фермер хўжаликлари кооперациясини ташкил этиш маҳаллий шароитни ўрганиш ва ташкил этилаётган уюшма (бирлашма)ларни хўжаликлар ҳаётига мослаштириш ва ихтисослик йўналишини аниқлаш мухим. Бизнинг фикримизча, дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олиш, сотиш, таъмирлаш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш соҳасида кооперацияга асосланган уюшмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нобудгарчилигини олдини олади, тайёр маҳсулотлар турини кўпайтиради, ташиб харажатларини камайтириб, қишлоқда меҳнатга лаёқатли одамларнинг иш билан бандлигини таъминлайди.

6. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган инфратузилма обьектлари фаолиятига оид иқтисодий муносабатларда

камчиликлар мавжуд. Хусусан, муайян инфратузилма объектини ташкил этиш масъул ташкилот томонидан катта маблағ сарфлаши, аксарият ҳолатда инфратузилмалар узок масофада жойлашгани (асосан туман ва вилоят марказларида), буюртмачилар (фермерлар) ва моддий-техника воситаларини етказиб берувчи шохобчалар ўртасида хисоб-китоб механизмларининг такомиллашмагани ҳамда тузилган шартномаларнинг бажарилмаслиги ва бошқалар. Бу нафақат фермер хўжаликларининг иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки инфратузилма объектларининг даромади камайиб, молиявий ахволи ёмонлашиб, ўз фаолиятини тутгатишга олиб келади. Шу боис, истиқболда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар муассасаларини илмий ишда тавсия этилган прогнозлар негизида етарли даражада ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

7. Истиқболда фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилма объектлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида асосий вазифа - меъёрий ва микдорий кўрсаткичлардан фойдаланишдир. Чунки бу кўрсаткичлар алоҳида ҳудудларни реал ҳолатини кўрсатиб бериб, ушбу ҳудуднинг эҳтиёж ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши лозим бўлган инфратузилма объектларини аниклашга ёрдам беради.

Хисоб-китобларга кўра, республикамида 2012-2015 йилларда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи 1,90-1,95 минг муқобил МТП, 1,35-1,39 минг минибанк, 1,05-1,08 минг ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, 93-96 та идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш, 109-110 та транспорт хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Натижада қишлоқда барпо этилаётган инфратузилмалар орқали ишчи ўринлари сони 1,2-1,3 мартаға кўпаяди ва иш билан бандлик даражаси 93,5-93,7 фоизга етади.

8. Қишлоқда бозор инфратузилмаларининг истиқболда янада самарали фаолият юритиши учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, фермерларни кўллаб-кувватлаш, жумладан молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, фермерларга хизмат кўрсатадиган инфратузилма муассасаларининг хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

иккинчидан, қишлоқда бозор инфратузилмалари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб-кувватлашнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш;

учинчидан, қишлоқда инфратузилма объектларига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш ҳамда инфратузилмаларни ривожлантиришнинг замонавий техник ва иқтисодий сиёсатини шакллантириш.

### **ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ҳасанов С., Ташматов Р.Х. Агросаноат мажмуида бошқарув // Узбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2001. - №3. – 8-9 б.

2. Абдусаматов А., Ташматов Р.Х. Дехкон ва фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ихтисослиги даражасини баҳолаш модели. // Математик моделлаштириш ва хисоблаш эксперименти: Республика илмий анжуман

маърузалар тўплами (25-27 март 2002 йил). - Тошкент ш., Кибернетика институти. - 220-221 б.

3. Абдусаматов А., Ташматов Р.Х. Дехқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш босқичлари ҳамда улар фаолиятининг истиқболлари // Рыночные преобразования и развитие предпринимательства: Сборник научных трудов НИИ УРР.– Т: Консаудитинформ, 2002. – с. 262-267.

4. Ташматов Р.Х. Формирование хозяйствующих субъектов на селе и повышение эффективности их деятельности // Шестнадцатые международные плехановские чтения: Сборник докладов (23 апрель 2003 г.). - г. Москва, Российская экономическая академия. – С. 495-497.

5. Ташматов Р.Х. Кооперация – агросоюз мажмууда иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг самарали воситасидир // Бозор иқтисодиёти шароитида кишлок хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари: Халқаро илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами (20-21 октябрь 2003 йил). - Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари илмий-тадқикот институти. – 354-356 б.

6. Ташматов Р.Х. Кооперация - фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболли йўналишларидан бири // Экономика и класс собственников. – Тошкент, 2004. - №1 – 48-50 б.

7. Ташматов Р.Х. Фермерские хозяйства Узбекистана // Экономика и класс собственников. – Тошкент, 2004. - №3 – 60-63 б.

8. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Оценка эффективности использования земельно-трудовых ресурсов в хозяйствах различной форм собственности // Бозор иқтисодиёти шароитида кишлок хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами (21-22 май 2004 йил). - Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари илмий-тадқикот институти. – 17-19 б.

9. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилма объектларини ташкил этиш ва самарали фаолият юритишини таъминлаш йўллари // Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами (2005 йил). – Тошкент ш., ЎзР Олий Мажлиси Сенати. – 105-108 б.

10.Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни бошқариш // Кадрлар тайёрлаш тизимида – аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами (2006 йил). - Тошкент ш., Тошкент давлат аграр университети. – 550-554 б.

11.Исмоилова С., Ташматов Р.Х. Инфратузилмалар: ташкил этиш асослари ва ривожлантириш йўллари // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Тошкент, 2006. - №3. – 11 б.

12.Исмоилова С., Ташматов Р.Х. Фермерчиликни ривожлантириш йўлида // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. - №6. – 51-52 б.

13.Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларни ташкил этиш ахамияти // Бозор муносабатларини

ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: Илмий-амалий конференция маъruzалар тўплами (14-15 ноябрь 2007 йил). - Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари илмий-тадқикот институти. - 179-183 б.

14. Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш масалалари // Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишида бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман материаллар тўплами (23-24 ноябрь 2007 йил), II-том. - Тошкент ш., Тошкент ирригация ва мелиорация институти. - 152-154 б.

15. Ташматов Р.Х. Фермер хўжалигига мулкчилик муносабатларининг самараси // Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишида бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман материаллар тўплами (23-24 ноябрь 2007 йил), II-том. - Тошкент ш., Тошкент ирригация ва мелиорация институти. - 155-156 б.

16. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари: Ўкув кўлланама. - Т.: ТДИУ, 2007. - 44 б.

17. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х., Каримова Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар самарадорлигини ошириш йўллари: Илмий-оммабоп нашр - Т.: ТДИУ, 2007. - 43 б.

18. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликлар ва уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларни ривожлантириш истиқболи: Илмий-оммабоп нашр - Т.: ТДИУ, 2008. - 37 б.

19. Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг ривожланиши ва бошқарув механизмининг шаклланиши // Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуклар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани маъruzалар тўплами (22 ноябрь 2008 йил). - Тошкент ш., Тошкент давлат иқтисодиёт университети. - 185-187 б.

20. Ташматов Р.Х. Агросаноат интеграциясининг бошқарув омиллари // Аграр иқтисодиёт тармокларида кооперация жараёнини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: Илмий-амалий конференция тўплами. - Тошкент ш., Бозор ислоҳотлари илмий-тадқикот институти, 2009. - 46-48 б.

21. Ташматов Р.Х. Фермер хўжалигига мулкчилик муносабатлари ва бошқарувининг самараси // Қишлоқ тараккиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни: Ҳалқаро илмий-амалий конференция тўплами (25 сентябрь 2009 йил). - Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. - 156-158 б.

22. Ташматов Р.Х., Хашимов У. Особенности земельно-имущественных отношений в фермерских хозяйствах Узбекистана. // Управление земельно-имущественными отношениями: Материалы V Международной научно-практической конференции (18-19 ноября 2009 г.). - г. Пенза, Пензенский государственный университет архитектуры и строительства, 2009. - С.194-196.

23. Ташматов Р.Х. Фермер хўжалиги бошқаруви: такомиллаштириш жараёни ва самараси // Биржа эксперта. - Тошкент, 2009. - №10. - 22-25 б.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Р.Х.Ташматовнинг 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтиосслиги бўйича “Фермер хўжаликлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** бошқарув тизими, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперацияси, ҳудудий ташкилий тузилма, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси, прогноз вариантлари.

**Тадқиқот обьектлари:** Ўзбекистонда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатаётган инфратузилма муассасалари.

**Ишнинг мақсади:** фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усуслари:** тизимли таҳлил, вазиятли ва функционал ёндашув, эксперт баҳолаш, статистик гурухлаш, монографик кузатиш, моделлаштириш ва бошқалар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** фермер хўжаликлари фаолиятини бошқаришнинг ички ва ташки омилларининг ўзаро алоқадорлик ҳамда ўзаро таъсири асослаб берилган; фермер хўжаликларини бошқаришни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-кувватлашнинг хукукий асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган; хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кооперациясининг ҳудудий бошқарув тузилмалари ҳамда фаолият юритиш механизмлари ишлаб чиқилган; бозор инфратузилмалари хизматига талабнинг ўсиб боришини инобатга олган ҳолда истиқболда инфратузилма обьектларининг сони ва жойлашиши, ишчи кучи бандлигининг прогноз вариантлари ишлаб чиқилган; фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилма обьектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижалари фермер хўжаликлари ихтиослашган кооперациясини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш, уларни қўллаб-кувватлаш институтлари ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертация ишининг асосий хуроса ва натижалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиша фойдаланиш учун қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Тадқиқотлар маркази илмий-тадқиқот ишларида татбиқ этилган.

**Кўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** фермер хўжаликлари кооперацияси ва инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича бошқарув карорларини қабул қилиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш.

## **РЕЗЮМЕ**

диссертации Ташматова Р.Х. на тему: “Управление развитием кооперации фермерских хозяйств и рыночных инфраструктур” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – “Менеджмент и маркетинг”

**Ключевые слова:** система управления, фермерские хозяйства, производственная кооперация, региональная организационная структура, обслуживающая, производственная и рыночная инфраструктура, прогнозные варианты.

**Объекты исследования:** фермерские хозяйства Узбекистана и обслуживающие их инфраструктурные учреждения.

**Цель работы:** разработка научно-методических рекомендаций и практических предложений по совершенствованию управления организацией производственной кооперации фермерских хозяйств и развитием обслуживающих их рыночных инфраструктур.

**Методы исследования:** системный анализ, ситуационный и функциональный подход, экспертная оценка, статистическая группировка, монографическое наблюдение, моделирование и др.

**Полученные результаты и их новизна:** обоснованы взаимосвязь и взаимовлияние внутренних и внешних факторов управления деятельностью фермерских хозяйств; разработаны предложения по совершенствованию правовых основ государственного регулирования и поддержки управления фермерскими хозяйствами; опираясь на опыт зарубежных стран, разработаны региональные структуры управления производственной и обслуживающей кооперации фермерских хозяйств, а также механизмы их деятельности; разработаны прогнозные варианты количества и размещения объектов инфраструктур, учитывая повышающийся спрос на них, а также занятости рабочей силы на перспективу; предложены пути повышения эффективности деятельности объектов инфраструктур, оказывающих услуги фермерским хозяйствам.

**Практическая значимость:** результаты исследования могут быть использованы при совершенствовании законодательной базы организации и развития специализированной кооперации фермерских хозяйств, а также при повышении эффективности деятельности институтов их поддержки и обслуживающих их инфраструктур.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** основные выводы и результаты диссертационной работы приняты к использованию Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан в разработке программ развития фермерских хозяйств и внедрены в научно-исследовательской работе Центром исследований Госкомимущества Республики Узбекистан.

**Область применения:** принятие управленческих решений по развитию кооперации фермерских хозяйств и инфраструктур, а также совершенствование законодательства.

## **RESUME**

The thesis of Tashmatov Rustam Husanovich of the scientific degree competition of the candidate of sciences in Economy on specialty 08.00.13 – “Management and marketing”, subject: “Regulation of developing cooperation of farm and market infrastructures”

**Key words:** system regulations, farm, productive cooperation, regional organizing structure, servicing, productive and market infrastructure, prognoses versions.

**Subjects of the research:** farm in Uzbekistan and their servicing organizations of infrastructures.

**Purpose of work:** elaboration of scientific-methodical recommendations and practical suggestions of upgrading regulations in organizing productive cooperation of the farm and also in the development of their servicing market infrastructures.

**Methods of research:** system analysis, situational and functional approach, expert estimation, statistical classification, monographic observation, modeling and etc.

**The results obtained and their novelty:** have been validated the relationship between them and their mutual influence inner and outer factors of regulation of farm activities; have been worked out suggestions on a legal bases of governmental regulation and supports upgrading of farm regulation; resting in foreign experience have been worked out regional structures of regulating productive and farm servicing cooperation and mechanisms of their activities; prognoses versions of amount and placing objects infrastructures have been worked out taking in to consideration the increasing demand on them and prognoses variants of employing workers for future; have been offered ways on increasing efficiency activities of object infrastructures being farm services.

**Practical value:** the results of research can be used in upgrading of the legislative base of the creation and developing specialized cooperation of farms, of developed efficiency activity institutes of their supports and their servicing infrastructures.

**Degree of embed and economic efficiency:** the main findings and results of the dissertation work is accepted into use by the Ministry rural and water facilities of the Republic of Uzbekistan and was introduced in research work by the Research centre of Goskomimuschestva of the Republic of Uzbekistan.

**Field of application:** accepting regulations decisions on the development cooperation farms and infrastructures and upgrading of the legislation.

Қогоң бичими 1.4 б.т.  
Босиша рухсат этилди 19.04.2010 й.  
Таржы 100 нұсқа  
Буюртма № 136

Тошкент тұжымачылық ва салығы саноат институты  
босмахонасыда чоп этилди

Тошкент, Шохжакон күчаси,  
5-ый